



№ 9 уш 29 июл

№ 59/5

Tashkent sh.

**Халқ банки тизимида “Интернет банкинг” хизмат турини
амалиётга тадбиқ этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги “Аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилишни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1090-сонли ва 2007 йил 7 ноябрдаги “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-726 сонли қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида, Бошқарув

ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. Давлат-тижорат Халқ банки филиалларида 2009 йил 1 августдан “Интернет банкинг” хизмат тури жорий этилсин.
2. “Интернет банкинг” хизмат туридан фойдаланиш тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Казначейлик департаменти (Ш.Султонов) амалдаги тарифга тегишли ўзгартириш киритиш бўйича бошқарувга таклиф киритсин.
4. Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаменти (Ш.Хажиматов) банкнинг “Интернет банкинг” хизмат туридан фойдаланиш учун ариза берган банк миждозларини рўйхатга олиш ва уларга ўрнатилган тартибда электрон хавфсизлик калитини бириктириш ишларини ташкил этсин.
5. Ахборот технологиялари ва ҳисоб-китоблар департаменти (Н.Т.Қаюмов) интернет банкинг дастурий таъминотини филиалларда бекамикўст ишлашини таъминласин ва унинг техник қузатувини олиб борисин.
6. Худудий филиал раҳбарлари ўз тасарруфидаги филиалларда интернет банкинг хизмат турини тадбиқ этсин ва фойдаланувчи миждозларни қўпайтирсин.
7. Маркетинг, реклама ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўлими (Б.Шодиев) банкнинг худудий филиаллари билан биргаликда жойларда “интернет банкинг” хизмат турини маҳаллий оммавий ахборот воситаларида кенг камровли тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борилишини таъминласин.

8. Банк аппарати мазкур қарорни банкнинг барча ҳудудий филиалларига ижро учун отказсин.

9. Мазкур қарорнинг ижроси устидан назорат Бошқарув Раиси уринбосари Х.Х.Қурбонов зиммасига юклатилсин.

Бошқарув Раиси



М.Р.Жумагалдиев

«ТАСДИҚЛАНГАН»

Давлат-тижорат Халқ банки
Бошқарувининг

2009 йил 29 июль даги

513 -сонли қарори

Давлат-тижорат Халқ банкнинг “Интернет банкинг” хизмат туридан фойдаланиш ТАРТИБИ

Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2009 йил 4 апрелдаги “Аҳоли ва кўришдик сўҳбақларининг бўш пул маблагларини банк депозитларига жалб қилишни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1090-сонли, 2007 йил 7 ноябрдаги “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблагларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-726 сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, у Халқ банки тизимида миқозларнинг Интернет-банкнинг хизмат туридан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз кўринишда амалга ошириладиган операцияларининг умумий тартиб қоидаларини белгилаб беради.

I. Умумий қоидалар

1. “Интернет-банкнинг” – юридик шахс мақомидаги миқоз(кейинги ўринларда “миқоз”)ларнинг банкдаги ҳисобрақамидаги маблагларни интернет орқали тасарруф этиш (бошқариш) имкониятини берадиган хизмат тури.

2. “Интернет-банкнинг” “Банк-клиент” дастурий мажмуасининг тақомиллашган кўриниши бўлиб, ундан фойдаланувчилардан интернет тармоғи орқали олинган электрон тўлов ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда тузилган электрон ҳужжатлар асосида амалга оширилади ва операциялар ўрнатилган тартибда миқознинг банкдаги ҳисобварағида қайд этилади.

II. Миқознинг банк базисига уланиш тартиби

3. Миқоз Интернет-банкнинг хизмат туридан фойдаланиш учун хизмат кўрсатувчи Халқ банки филиалига белгиланган тартибда (1-илова) буюртма беради.

4. Филиал бошқарувчиси Бошқарувга “буюртма”ни илова қилган ҳолда хат билан мурожаат қилади. Хатда миқознинг Ягона базага уланиши учун

Бошқарувдан электрон рақамли имзо (ЭЦП) ясаб берилши сўралади. Мазкур хат факс, FTP ва почта орқали Бошқарув девонхонасига етказилиши мумкин.

5. Раис ўринбосари кўрсатмасига асосан хат Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш бошқармасига етказилади.

6. Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш бошқармаси "буюртма"ни 2-иловада кўрсатилган тартибда назоратлар китобида рўйхатдан ўтказиши ва ЭЦП ясаши учун Ахборот технологиялари ва ҳисоб-китоблар департаментига "буюртма" нусхаси ҳамда идентификатор рақам (номер) беради.

7. Ахборот технологиялари ва ҳисоб-китоблар департаменти "буюртма" асосида ЭЦП ясайди. Ясалган ЭЦПни махфий пароли билан бирга филиалнинг масъул ходимига конвертда топширади.

8. Филиал администратори бош бухгалтер кўрсатмасига биноан мижозга ўз ҳисобрақамига рухсат (доступ) беради ҳамда муҳрланган конвертни топширади.

9. Интернет-банкнинг алоқа тармоғида кўрсатилган манзил билан боғлиқ мувофиқ эълон қилиш билан биргача ўзбекистон Республикасида мувофиқлик қилиш (илова) ва қонунчилик талаблари доирасида тартибга солинади амалга оширилади.

III. Ишлаш тартиби

10. Мижоз интернет тармоғида кўрсатилган манзил орқали банк базасига улашилши учун филиал администратори тақдим этган "логин", "парол" ва "банк коди"дан фойдаланади. Мижоз парolini ўзи ўзгартириши ҳуқуқига эга.

11. Мижознинг алоқа каналлари бўйича олинган электрон тўлов топшириқномаси дастурий назоратдан ўтади. Бунда электрон имзо текширилади.

12. Электрон тўлов топшириқномасини филиал администратори банкнинг операциялар кунда ишлов беришига топширади.

13. Тўлов амалга ошириши учун филиал бош бухгалтери электрон ҳужжатни тасдиқлаши керак. Бунда электрон ҳужжат яна бир бор дастурий назоратдан ўтади.

14. Тўлов амалга оширилганидан кейин электрон тўлов топшириқномаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг "Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида"ги Низомнинг 25-бандига кўра етарли миқдордаги нусхаларда қозғога чиқарилади ва белгиланган тартибда банкнинг кунлик ҳужжатларига тикилади ҳамда тўловчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинади. "Интернет-банкнинг" дастурий мажмуаси орқали юборилган электрон тўлов топшириқномасининг қозғо шаклидаги нусхаси банкка тақдим этилмайди ва белгиланган тартибда мижозда сақланади. Бунда мижоз тўлов ҳужжати расмийлаштиришининг тўғрилиги ҳамда тўлов топшириқномасининг электрон ва қозғо кўринишларининг мувофиқлиги учун жавоб беради.

15. Мижоз "Интернет-банкнинг"дан фойдаланиб, ўрнатилган тартибда ҳисобрақамидаги қолдиқни кўриши, ҳисоботлар тайёрлаши, календардан фойдаланиб архив маълумотларни ва ҳоказоларни кўриши мумкин.

16. Интернет-банкнинг хизмат турини фойдаланишни йўлга қўйганлиги учун хизмат ҳақи меъёри ўзаро тузилган шартнома ёки Халқ банки Бошқаруви томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки муассасалари томонидан миждозларнинг топшириги (талаби)ни бажариш юзасидан амалга оширилган муомалалар ва кўрсатилган хизматлар учун олинадиган воситачилик ҳақи тарифлари» асосида миждознинг ҳисобрақамидан ўрнатилган тартибда ечиб олинади.

17. Мижознинг ҳисобрақамидан бажариладиган операцияларнинг қонунчилик талаблари асосида эканлигига миждознинг ўзи масъул бўлиб, банк талаблари асосида расмийлаштирилган тўловнинг ўз вақтида ўтказилишига филиал бош бухгалтери масъулдир.